

БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНING ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ТАРИХИДАН

*Алимова Фарида Кенжа кизи
Кашкадарё вилояти Касби тумани
45-умумий урта талим мактабининг
Тарих фани уқитувчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада Бухоро амирлиги аҳолисининг хунармандчилиги тарихига оид купгина муҳим маълумотлар келтириб утилган. Амирлик аҳолиси томонидан ишлаб чиқарган хунармандчилик маҳсулотлари Бухоро амирлиги ҳаётида ажралмас аҳамият касб етганлиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сузлар: Аршин, рубл, бугжама, бухжабанд, Олачойи Козокжони, копейка, саноат капитализми, монополия, Россия капитали, мануфактура.

XIX аср ўрталарида хонликлар ҳудудларида эҳтиёждан ортиқча ҳам ашё ишлаб чиқарилиши ва товар нархининг арзонлашиши туркистонлик савдогарларни ўз товарларини хорижий мамлакатларга чиқаришга мажбур қилган. Жумладан, бухоролик савдогарлар Россияга кўпроқ пахта ва ип-газлама маҳсулотларини олиб боришиб, у ёқдан темир ва мис келтиришган. Бу металлдан Бухорода меҳнат қуроллари ва рўзғор буюмлари ясалган, тангалар зарб қилинган. Хонликлар ҳудудларида қимматбаҳо металллар – олтин ва қумуш қазиб олинсада, бироқ у тобора ошиб бораётган талабларни қондира олмасди. Шунинг учун ҳам қимматбаҳо металлларнинг катта қисми Ҳиндистон, Эрон ва Хитойдан келтирилган¹.

Таъкидлаш жоизки, Бухоро ва Хива хонликларида ҳам металл қазиб чиқариш ва унга ишлов бериш жуда содда усулларда бўлсада амалга оширилган. 1841 йили Бухорога келган К.Ф.Бутенев бу ерда 6 та чўян қуйиш қозонлари бўлганини ёзади². Ўлкада мавжуд металл қуйиш қозонларида тўплар учун ўқлар ва бошқа ҳарбий қуроллар, шунингдек деҳқончилик учун зарур бўлган меҳнат қуроллари, асбоб-ускуналар ясалган. Мис қиммат бўлганлиги учун Бухоро амирлигида тўп ясашда мис ўрнига кўпроқ чўяндан фойдаланилган. Тўп ясашда анча тажрибали бўлган Шаҳрисабз усталари амирликда энг йирик тўп стволини қуйишган, уни ўрнатиш учун ўн икки

¹ Чехович О.Д. К истории Узбекистана XVIII в. // Труды института востоковедения АН УзССР. –Ташкент, 1954, -С. 48.

² Бутенев К. Заводское дело в Бухарии // Горный журнал, ч. V, кн. XI. –СПб., 1942. –С. 42-49.

ғилдиракли қурилма ясалган³.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Бухоро амирлигида металл ишлаб чиқариш ва унга ишлов бериш ишлари талаб даражасида бўлмаган. Бу ҳолни К.Бутенев қуйидагича таърифлайди: «Бухорода ҳунармандчилик мукамалликнинг қуйи босқичида туради, заводчилик иши яхши йўлга қўйилмаган. Агар ҳукуматнинг бу соҳага эътибори бундан кейин ҳам ҳозиргидагидек давом этса, бирор ўзгариш бўлиши қийин. Жоҳил ҳукуматнинг заводлар қуриши ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки у бундай заводлар келажакда катта фойда келтиришини билмайди. Бундан ташқари, заводлар қуриш учун маблағ ҳам, билимдон кишилар ҳам етишмайди»⁴. Шу каби сабабларга кўра, Бухоро амирлиги ҳудудларидаги конлардан қазиб олинган рудадан мис ва кўрғошин содда усулда оддий ўчоқларда ажратиб олинган. Мисдан буюмлар ясашда, кўрғошиндан ўқлар тайёрлашда ортикча исрофгарчиликларга йўл қўйилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро ва унинг атрофидаги шаҳарлар ва йирик қишлоқларда 10-12 мингга яқин тўқув дастгоҳлари бўлган⁵. Бухоро шаҳрининг ўзида 46 та ипак тўқиш корхонаси бўлиб, уларда 197 киши меҳнат қилган. Шаҳарларда жойлашган бойроқ тўқимачилик корхоналарининг эгалари тадбиркорлик ишларини жонлантириб, ўзлари етиштирган ип-газламадан ташқари, атроф қишлоқлардан олиб келинган тайёр ипларни ҳам сотиб олишган. Тайёрланган маҳсулотларнинг бир қисми хорижий мамлакатларга чиқарилган.

Бухоро йирик маданият ва маърифат маркази бўлганлиги туфайли бу ерга бошқа мамлакатлардан кўплаб савдогарлар, сайёҳлар ва талабалар келишган. Маҳаллий ҳунармандлар савдо–сотик ишлари жараёнида уларнинг хоҳиш–истакларини ҳам инобатга олишга ҳаракат қилишиб, ўз матоларининг нафақат нархини балки бадий қийматини ҳам оширишга эришишган. Масалан, Бухоро матоларида рангли сидирға занжирли йўллар хилма-хил кўринишларда ёнма-ён тўқилган. Бундай занжир йўлли матоларнинг ранги нафис бўлиб, улар бир-бирига зид ранглари мослаштиришга хизмат қилган⁶. Умуман олганда Бухоро матолари ранглариининг хилма-хиллиги ва бу рангларнинг ўзаро уйғунлиги билан ажралиб турган. Бухоро усталари беқасам тайёрлашда ранглари бир-бирига уйғунлаштириш, ранглари ўртасидаги тафовутни ўзаро қориштириш орқали амалий санъатнинг ноёб намуналарини яратишга муваффақ бўлишган. Беқасам ингичка йўлли мато бўлиб, олачадан ўзининг сифати, тайёрланиш усули

³ История таджикского народа. т. II, кн. II, -М.: «Наука», 1964, -С.95.

⁴ Бутенев К. Заводское дело в Бухарии..., -С.148-149.

⁵ Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX-начала XX века. -Т., 1962, -С. 20.

⁶ Народное искусство Узбекистана. -Ташкент, 1979 . 77-78 бетлар

билан ажралиб турган. Унинг арқоғи оқ-қизил, ўриши кўк рангли ишлардан иборат бўлиб, олий навли беқасамнинг 48 аршини 12 рубль 60 копеек турган⁷.

XX асрнинг бошларида эса воҳада тайёрланган матоларда асосан бир-бирига зид уч хил рангдан, асосан оч пушти, тўқ бинафша ва сарик ранглардан фойдаланилган. Аммо матоларнинг таъсирчанлигини янада ошириш учун бир-бирига зид ранглар ҳам танланган. Масалан, Бухоро газламаларида бир-бирига мувофиқ келмайдиган қизил ва кўк ранглар жуфтлиги, кескин суратда бир рангдан иккинчи рангга ўтилиши усуллари ҳам қўлланилган. Воҳада тўқилган йўл-йўл матолар шу хусусияти билан бир-бирига яқин ранглар ёнма-ён қўйилган Хоразм ва Фарғона матоларидан фарқ қилган. XX асрнинг 20-йилларида Зарафшон воҳасида матоларга Фарғона услубига хос ранг ёки безак беришга ўтила бошланган⁸.

Бухоро Ўрта Осиёнинг йирик ҳунармандчилик ва савдо маркази сифатида машҳур бўлиб, бу ерда ипақдан тайёрланган матоларга адрас, шоҳи, қалғай, атлас ва қопатласлар харидоргир бўлган. Адрас тўқилишига кўра олача ва беқасамга яқин бўлиб, бу матода асосан қизил, кўк, сарик, яшил ранглар қўлланиб, ундан аёллар кўйлаги, кўрпа ва ёстик жилдлари, ёпинчиқ сўзаналар тайёрланган. Адрасга ялтироқ тус беришда тухумнинг оқи ва ўрик елиמידан фойдаланилган. Аёлларнинг адрас кўйлаги бу даврда 10 рубль, эркакларнинг адрас халати 7 сўмгача баҳоланган⁹. Бухоро адреси Хоразм, Самарқанд, Тошкент, Шарқий Туркистон ва Афғонистонга катта миқдорда чиқарилган. Шунингдек, Бухоронинг Зандана қишлоғида тўқилган занданийчи матоси бутун Шарқ оламида машҳур бўлган.

Воҳада кўп тўқиладиган матолардан бири бахмал бўлиб, унинг текис ва патли хиллари бўлган. Бахмалдан аёллар кўйлаги, болалар учун этикчалар, халат, дўппи, халатча, қопчикча, зардевор, дастурхон, кўрпа ва кўрпачалар тайёрланган.

Чит маҳаллий аҳоли турмушида алоҳида ўрин тутиб, ундан турли кийим-кечаклар, кўрпа-кўрпача, чопон учун астар, дастурхон, сандалпўш, жойнамоз, белбоғ, рўмол, чодир, бўғжама, бухчабанд тайёрланган. XX аср бошларида 1 аршин читнинг нархи 55 копеекгача бўлган¹⁰. Бухорода алоҳида читгарлар маҳаллалари, Ғиждувонда, Ромитон бозорларида читгарлик расталари бўлган. Зарафшон воҳаси бозорларига катта миқдорда Россия фабрикаларида саноат усулида тайёрланган ва нисбатан арзон, бироқ сифатли бўлган чит матоларнинг кириб келиши билан маҳаллий читгарлик касодга учради.

⁷ ЎР МДА, ф. Р-53, I ёзув, 20 иш, 13 в.

⁸ Сухарева О. А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX -начала XX- века. –Т., 1962. –С. 67

⁹ Ўша ерда.

¹⁰ ЎР МДА, фонд Р-53, 1-ёзув, 8-иш, 132-в

Бу даврда Бухородаги йирик тўқимачилик корхонасининг эгаси Қозоқжон исмли шахснинг корхонасида 120 дастгоҳ бўлган. Унинг олачалари аҳоли орасида «олачойи Қозоқжони» номи билан машҳур бўлган. Йирик уста Ҳожи Исломнинг корхонасида 35 киши мато тўқиган бўлса, Татар маҳаллалик Хўжа Қосимнинг 25 та дастгоҳи бўлиб, уларда 40 та уста ишлаган.

XIX асрнинг сўнги чорагида ҳам Туркистон корхоналарининг ишлаб чиқариш усуллари ниҳоятда содда бўлишига қарамасдан, улар маълум давргача бозорларда Россиядан келтириладиган саноат маҳсулотлари рақобатларига бардош бериб турдилар. Рус кўшинлари билан келиб Хўжандда яшаган П.И.Пашино ўлкага Россия саноат капитализми келгунга қадар бу ерда тарқоқ ҳолдаги мануфактуралар бўлганлиги ва уларда капиталистик ишлаб чиқариш усули қўлланганлиги ҳақида дастлабки маълумотларни беради. «Ип-газлама ишлаб чиқариш билан шуғулланган капиталист, -деб ёзади у, - баъзи оилаларга пахта тозалашни, иккинчи қисмига ип йигириш, учинчи қисмига бўйаш, тўртинчисига тўқиш ва ҳ.зо ишларни топширганки, бу ҳол капиталистларни усталарга устахона ва дастгоҳларни қуриб бериш, ишчиларнинг бекор ўтирган вақтларига ҳақ тўлаш мажбуриятларидан халос этган»¹¹. Юқорида келтирилган мисолларни Г.Спасский маълумотлари ҳам тасдиқлайди. «Бухоролик савдогарлар, -деб ёзади у, -Шаҳрисабздан юқори сифатли пахта сотиб олишган ва унинг асосий қисмидан газлама ишлаб чиқаришган, қолган қисмини Россияга жўнатишган»¹². Равшанки, бухоролик савдогарлар Шаҳрисабздан келтирилган пахтани газламага айлантириш учун маҳаллий ҳунармандларга бўлиб беришган. Қўқондан Бухорога келтирилган ипакдан шойи тўқиш учун ҳам айни шундай йўл тутилган¹³. Афсуски хонликларда тайёрланган товарлар орасида қанчаси тарқоқ манифактураларга тааллуқли эканлиги тўғрисида маълумотлар учрамайди.

Ҳунармандлар шаҳарларнинг хом-ашё етиштириш имкониятларига қараб турли соҳаларга ихтисослаша бошладилар. Масалан, Бухоро ва унинг атрофларида ип-газлама маҳсулотлари, Самарқандда қоғоз, Каттакўрғонда пойафзал ишлаб чиқариш, Ҳисорда металлдан турли рўзғор буюмлари, тақинчоқлар ясаш яхши йўлга қўйилган эди¹⁴. Ҳунармандчиликка ихтисослашишнинг кучайиши, бу соҳага капиталистик бозор муносабатларининг кириб келишини тезлаштирди. Шаҳар ҳунармандлари «бир тарафдан, нисбатан йирик устахона эгаларига ва ишбилармон усталарга,

¹¹ Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки. –СПб., 1868. -С. 140.

¹² Спасский г. Новейшее описание Великой Бухары (Азиатский вестник). 1925, № 5, 1926, № 6.

¹³ Бунаков Е.В. Тенденции развития капиталистических отношений в Средней Азии накануне присоединения её к России // Проблемы Востоковедения. –М.: изд. АН СССР, 1960, № 6. -С. 97.

¹⁴ Якунин А.Ф. Народы Средней Азии и Казахстана во второй половине XIX века, присоединение Средней Азии в России. –М., 1954, -С.6.

иккинчи тарафдан, барча ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум этилган ёлланиб ишловчи усталарга ажрала бошладилар. Усталар энди ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўзлари сотиш имкониятига эга эмас эдилар. Бундай ҳуқуқни йирик устахоналари бўлган савдогарлар қўлга киритдилар»¹⁵. Бироқ, ҳали ўлкада ҳунармандчилик тармоқлари саноат ишлаб чиқариш даражасига кўтарилмаган эди. Буни ўлкада нисбатан кенг тарқалган тўқимачилик ишлаб чиқаришида ҳам кўриш мумкин. «Ўрта Осиёда бизнинг тушунчамизга хос бўлган фабрикалар бўлмасдан, -деб ёзади П.И.Небольсин, -пахта етиштириш билан шуғулланган оилалар ундан калавалар қилишган; ортиқча тангаси бўлган кишилар бозордан калава сотиб олишган ва уни бўз тўқувчиларга бўлиб беришган»¹⁶. Тўқувчилардан тайёр маҳсулотни олган ишбилармонлар уни бозорларда сотиб катта фойда олишган. Шу йўсинда ўлкада капиталистик бозор муносабатларининг куртаклари шакллана бошлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Бухоро амирлиги шаҳаларида Россия капитали кириб келиб, темир йўлар қурилгунига қадар ҳунармандчилик ишлаб чиқариш ва савдо-сотик анча ривожланган эди. Темир йўллариининг ишга туширилиши эса амирликнинг муҳим савдо-сотик ва маданий марказлари— Самарқанд, Бухоро, Каттақўрғон, Қарши, Термиз каби шаҳарларнинг янада кенгайишига ҳамда мавқеининг ошишига имкон яратди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати :

1. Чехович О.Д. К истории Узбекистана XVIII в. // Труды института востоковедения АН УзССР. –Ташкент, 1954, -С. 48
2. Сухарева О. А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX -начала XX- века. –Т., 1962. -С. 67
3. Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки. –СПб., 1868. -С. 140
4. Якунин А.Ф. Народы Средней Азии и Казахстана во второй половине XIX века, присоединение Средней Азии в России. –М., 1954, -С.6.
5. Небольсин П.И. Очерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Кокандом (со стороны Оренбургской линии). –СПб., 1856. -С.26.

¹⁵ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского эмирата. –Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1958, -С.106.

¹⁶ Небольсин П.И. Очерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Кокандом (со стороны Оренбургской линии). –СПб., 1856. -С.26.